Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 43 (6. 532) 1988 йил 22 февраль, душанба Баҳоси 3 тийин

### Нутқлар тўплами

«Партиялар ва ҳаракатларнинг Улуғ Октябрь 70 йиллигини байрам қилиш учун келган вакиллари учрашуви» тўплами босмадан чиқди. Тўпламга партиялар ва ҳаракатлар вакилларининг 1987 йил 4-5 ноябрда Москвада ўтган учрашувидаги нутқлари, шунингдек учрашув вақти чекланганлиги туфайли унда сўзланмаган, аммо нотиқларнинг нутқлари билан бир қаторда «Правда» газетасида эълон қилинган нутқлар текстлари киритилган.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти босмадан чиқарди.

(ТАСС).

*КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1988 йил 18 февраль қарори*

## КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси» нутқидаги қоидалар ва хулосаларни якдиллик билан маъқуллайди. Нутқда қайта қуришнинг янги босқичи чуқур таҳлил этиб берилган, уни идеологик жиҳатдан таъминлаш программаси баён қилинган.

Пленум шуни таъкидлайдики, партия ташкилотларининг бутун идеологик фаолияти қайта қуришнинг асосий вазифасини ҳал этишга — туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга, бутун ижтимоий турмушни демократиялашга, ёш авлодга, меҳнаткашлар оммасига таълим ва тарбия беришга меҳнаткашларни, меҳнат коллективларини сафарбар этишга бўйсундирилган бўлиши лозим.

Пленум идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларнинг форма ва методларини қатъий янгилашни, совет жамиятини революцион тарзда янгилаш мақсадларига мувофиқ социал адолатни қарор топтиришни зарур, деб ҳисоблайди.

Пленум М. С. Горбачев нутқидаги ташқи сиёсат масалаларига оид қоидалар ва баҳоларни маъқуллайди, КПСС ҳамда Совет давлатининг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқлилик ва ялпи хавфсизлик принципларини қарор топтиришга қаратилган халқаро фаолиятининг инсонпарварлик мазмуни ва мақсадларини кенг тушунтириш муҳимлигини таъкидлайди.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига активларнинг, барча коммунистларнинг бутун диққат-эътиборини қайта қуришнинг ғоявий мазмунига, КПССнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга қаратиш, совет, касаба союз, комсомол, хўжалик органлари, идеология воситаларининг экономика соҳасида, социал сиёсатда ва маънавий турмушда барча кадрларнинг ўзаро қалин ҳамкорлигига эришиш зарурлигига эътибор беришни топширади. Сиёсий ишларнинг барча воситаларини ишга солиб, қайта қуриш ҳар бир коммунистнинг партиявий иши, ҳар бир гражданнинг ватанпарварлик бурчи бўлиб қолишига эришиш зарур.

*КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори*

## ЎРТА ВА ОЛИЙ МАКТАБНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ҚАНДАЙ БОРАЁТГАНЛИГИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ СОҲАСИДА ПАРТИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми шуни таъкидлайдики, умумий таълим ва ҳунар мактабини, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш ҳозирги тарихий босқичда партия ҳал этаётган вазифалар комплексида алоҳида ўрин олиб турибди. Амалга оширилаётган ўзгартишларнинг мақсади ёшларга таълим ва тарбия беришнинг янги сифатини, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш, шу тариқа совет жамиятининг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётини жадаллаштириш, КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат.

### I.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқ маорифи системасини қайта қуриш давомида партия, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг ўрта ва олий мактаб муаммоларига эътибори кучайганини қайд этади. Таълимнинг мазмунида, ўқувчиларга меҳнат тарбияси беришда баъзи ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ҳунар-техника таълими системасида кенг профилдаги ишчилар тайёрлаш ривожланмоқда. Олий мактаб, фан ва ишлаб чиқариш кучларини бирлаштириш жараёни кучаймоқда. Халқ маорифига ажратилаётган маблағлар кўпайди.

2. Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети ўрта ва олий мактабдаги ўзгартишларнинг теранлиги ва суръатлари қайта қуришнинг янги босқичида жамиятнинг эҳтиёжларига мос келмаяпти, деб ҳисоблайди. Таълим ва тарбия усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнини техника билан таъминлаш ва бошқариш, педагоглар тайёрлаш сингари муҳим соҳаларда силжиш ҳозирча оз. Педагогика соҳасидаги илғор тажриба муносиб равишда оммалаштирилмаяпти.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан аввал ишлаб чиқилган ислоҳот йўл-йўриқлари халқ маорифи системасини демократиялашга оид тадбирлар билан мустаҳкамланмаган эди. Уни амалга оширишга педагоглар, ота-оналар, кенг жамоатчилик доиралари, меҳнат коллективлари чинакамига киришмадилар. Ислоҳот давомида ўқув юртларининг фаолияти экстенсив равишда ривожланиб келган халқ хўжалигининг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилар эди. Умумий таълим тайёргарлигини мактабда ҳам, ҳунар-техника таълими системасида ҳам ҳунар тайёргарлиги билан бирга қўшиш практикасида муаммолар ва чигалликлар келиб чиқди.

Ислоҳотни ўтказиш соҳасидаги ташкилотчилик иши етарли эмас. СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети, шунингдек, жойлардаги халқ маорифи органлари маорифни ривожлантиришнинг етилган муаммоларини ҳал этишда пассивлик, уқувсизлик кўрсатмоқдалар. Ўқитувчиларга ёрдам кўпинча умумий йўл-йўриқлардан, икир-чикир ишларни белгилаб беришдан иборат бўлиб қолмоқда. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги олий ва ўрта махсус мактабни қайта қуриш соҳасидаги ишни авж олдиришда сусткашлик қилмоқда. Жойлардаги партия комитетлари, совет ва хўжалик органлари халқ маорифи масалаларини ҳал этишга зарур эътибор бермаяптилар. Кўпгина тармоқ министрликлари ва идоралари маорифнинг, ўқув юртларининг эҳтиёжларига қолдиқ принципи асосида ёндашишни секинлик билан бартараф этмоқдалар.

3. КПСС Марказий Комитети партия, давлат органлари, жамоат ташкилотлари олдига партия XXVII съезди қарорларига, КПСС Программаси қоидаларига мувофиқ, халқ маорифини қайта қуришда бурилишни таъминлаш вазифасини қўяди. Иқтисодий ва социал тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири, инсоният ортирган маънавий бойликларни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва авлоддан-авлодга ўтказишнинг қудратли воситаси бўлмиш маориф давлат сиёсатида устун бўлиши керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўқитувчи, муаллим бутун маориф системасини қайта қуришнинг ҳал қилувчи шахси эканлигига асосланади. Режалаштирилган ўзгартишларнинг муваффақияти унинг билимига, педагоглик маҳоратига, фаол, эътиқодли, эҳтиросли позициясига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Партия ва совет органларининг бурчи — ўқитувчига муносабатни ҳеч кечиктирмай ва иккиланмай, қатъиян тубдан ўзгартиришдан, икир-чикир ишларда уни васийликдан халос этишдан, муаллимлик меҳнатига тўғри келмайдиган вазифалардан озод қилишдан, ижодкорона, новаторона изланишни қўллаб-қувватлашдан, асосий иш — ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш учун унинг энг кўп вақтини бўшатиб беришдан иборат.

### II.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми маориф ислоҳоти йўл-йўриқларига ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди, бунда:

ёшларга умумий ўрта таълим бериш концепциясини келгусида малакали ишчи ва мутахассис кадрлар тайёрлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун база сифатида шакллантириш ва амалга ошириш;

умумий таълим, ҳунар мактабини ва олий мактабни техника билан кенг миқёсда қайта қуроллантириш, ўн учинчи беш йилликдан бошлаб халқ маорифи тараққиётини планлаштиришда илмий асосланган нормативларни қўлланиш;

халқ маорифи соҳасида идоравий тўсиқларни олиб ташлаш ва амалда ягона давлат сиёсатини ўтказиш, ўқув юртлари, илмий ва ишлаб чиқариш коллективлари барча типларининг мустаҳкам ўзаро алоқасини йўлга қўйиш;

халқ маорифини ҳар томонлама демократиялаш, ўқув юртлари коллективларининг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш;

педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини қайта тузиш, халқ маорифи соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини тубдан яхшилаш назарда тутилади.

Ҳунар мактабида ва ўрта махсус мактабда асосан ўрта таълим негизида ишчи ва мутахассислар тайёрлаш ривожлантирилиб, ёшларнинг тўлиқсиз ўрта мактабни битирганидан кейин ҳунар таълими олиши имконияти сақлаб қолинсин. Умумий таълим мактабида ишчи касбларини ўргатиш зарур шарт-шароитлар яратилишига қараб, ўқувчиларнинг ва ота-оналарнинг истагига мувофиқ амалга оширилсин.

2. Ёшларнинг умумий ўрта таълимига ўтилганлиги умумий таълим мактабининг жамиятдаги социал ролини тубдан ўзгартирди, унинг таълим ва тарбия самарадорлиги учун масъулиятини кескин оширди, социалистик мактабнинг ягона, меҳнат, политехника мактаби тарзидаги ленинча принципларини замонавий мазмун билан тўлдириш талабини қўйди.

КПСС Марказий Комитети бизнинг мактабимиз ягона мактаб бўлиши билан бирга уни битириб чиқувчи барча йигит-қизларга сифатли ўрта маълумот берадиган бўлишига ва улар олдида кенг имкониятлар очишига принципиал аҳамият беради. Таълим мақсадлари ва вазифаларининг бирлиги мактабларнинг хилма-хиллиги билан, ўқув планлари ва программаларининг мослашувчанлиги билан узвий равишда қўшиб олиб борилиши, педагогика соҳасидаги илғор тажрибага, таълим ва тарбиянинг новаторлик усулларига таяниши керак.

Ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият бериш, уларнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳамда майлларига мувофиқ, табақалаштириб ўқитишни кенгайтириш лозим. Турли фанларни чуқур ўргатадиган ихтисослаштирилган мактаблар ва синфлар тармоғи кенгайтирилсин.

Мактаб ўқувчиларни ишлаб чиқариш меҳнатига, ижтимоий-меҳнат муносабатлари системасига активроқ жалб этишга кўмаклашиши, уларга хилма-хил меҳнат кўникмаларини ўргатиши керак. Ўқувчиларнинг меҳнати турмушнинг амалдаги талаб-эҳтиёжлари билан боғланган, жамият ва оила учун фойдали, мақсадга мувофиқ меҳнат бўлиши, билим ва шодлик манбаига айланиши лозим.

Мактабни политехникалашни изчиллик билан чуқурлаштириш, янги технологиялар тўғрисидаги асосий тасаввурларни, замонавий иқтисодий, ҳуқуқий, экологик билимларни бериш, ўрта таълимнинг даражаси фан-техника ва маънавий тараққиёт талабларига доимо мувофиқ бўлишини таъминлаш зарур. Ёшларга касб-кор ўргатувчи кенг тармоқли давлат хизматини яратишни жадаллаштириш лозим, умумий таълим мактаби бу хизматнинг муҳим бўғини бўлиб қолиши керак.

Мактабдаги умумий таълим, меҳнат, умумий маданий ва ахлоқий тайёргарлик йигит ва қизларга касбни, меҳнат соҳасини, ўқишни давом эттириш йўлларини жамият манфаатларини назарда тутиб, онгли равишда танлаб олишда, ижтимоий-сиёсий турмушда фаол қатнашишда ёрдам бериши керак.

3. Ишчи кадрларнинг касб-кор ва умумий таълим тайёргарлиги юқори сифатли бўлишини таъминлаш, ишчилар синфи ёш авлодининг сиёсий ва гражданлик онгини ўстириш — социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг энг муҳим шартидир. Ҳунар-техника таълими, халқ хўжалиги соҳалари ўқув-ишлаб чиқариш тармоғи системасининг бутун диққат-эътибори шу муҳим вазифани ҳал этишга қаратилиши зарур. Базавий корхоналар ҳузурида ҳунар-техника билим юртларини, шунингдек, мураккаб ва тугаш касбларда ишлайдиган малакали ишчиларни тайёрлай оладиган тармоқлараро ихтисослаштирилган билим юртларини бундан буён ҳам ривожлантириш керак. Бирлашма ва корхоналар билан шартномалар асосида ишчи кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш тажрибаси ҳар томонлама кенгайтирилсин. Ҳунар таълимининг барча формаларида ишчи кадрлар тайёрлаш сифати устидан давлат назорати кучайтирилсин.

4. Партия, давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари олий ва ўрта махсус мактабни қайта қуриш соҳасидаги куч-ғайратларни оширишлари керак. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми режалаштирилган ўзгартишлар программаси комплекс тарзда амалга оширилиши керак, деб таъкидлайди. Мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, улардан халқ хўжалигида оқилона фойдаланиш, илмий-тадқиқотларни янада ривожлантириш вазифаларини олий мактабнинг ишлаб чиқариш, практика билан алоқасини мустаҳкамлаш асосида ҳал этиш зарур.

Шу мақсадда:

жамиятнинг турли профил мутахассисларига бўлган талаб-эҳтиёжларини ўз вақтида қондиришни таъминлайдиган ва фан-техника тараққиёти талабларига, экономикани тубдан ислоҳ қилиш, демократиялаш ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш талабларига мос бўлиб тушадиган кадрлар тайёрлашнинг оқилона системаси шакллантирилсин. Барча ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш сифати оширилсин, кадрлар ва моддий-техникавий таъминот жиҳатидан заиф олий ўқув юртлари мустаҳкамлансин ёки зарурат туғилган тақдирда қайта тузилиб, етакчи университетлар ва институтларнинг филиалларига айлантирилсин;

олий мактабни ишлаб чиқариш ва фан билан яқиндан боғлашнинг самарали формалари зўр ғайрат билан жорий этилсин, олий мактабнинг халқ хўжалиги тармоқлари билан ўзаро алоқасида ташкилий-иқтисодий механизм такомиллаштирилсин; олий ўқув юртлари ва корхоналарнинг, илмий-тадқиқот институтлари ва икки ёқлама бўйсунишдаги (Фанлар академияларига ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига қарашли) лабораторияларнинг қўшма ўқув-илмий-ишлаб чиқариш комплекслари барпо этилсин. Олий ўқув юртларининг корхоналар ва бирлашмалар билан шартномавий муносабатлари ривожлантирилиб, битириб чиқувчиларни олий ўқув юртлари билан корхоналар ўртасида тузилган бевосита шартномаларга мувофиқ ишга юбориш кўзда тутилсин;

олий мактаб олимларининг умумдавлат аҳамиятига молик муаммоларни ишлаб чиқишга қўшаётган ҳиссаси анча кўпайиши таъминлансин. СССР Давлат плани комитети, СССР Фан ва техника давлат комитети, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳамда СССР Фанлар академияси билан биргаликда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1991—2005 йилларга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқиш пайтида олий мактабдаги илмий-тадқиқотларни ривожлантиришга давлат маблағининг улушини кўпайтиришни кўзда тутсинлар.

СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, тармоқ министрликлари ва идоралари ўрта махсус мактабни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришлари, кадрлар тайёрлаш структураси ва мазмунига, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш усулларига ўз вақтида ўзгартишлар киритишлари лозим. Мазкур ўқув юртларининг фаолияти бошланғич меҳнат коллективларининг ташкилотчиларини, техника ва технологиянинг энг янги йўналишлари бўйича ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашга тўлиқроқ қаратилсин.

5. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми министрликлар ва идоралар, партия ташкилотлари зиммасига кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш давлат системасини барпо этиш юзасидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ишлаб чиққан тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор беришни топширди. Олий ва ўрта махсус мактабнинг, ҳунар-техника билим юртларининг имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиб, оммавий ишлаб чиқариш таълимининг турли шаклларини ҳар томонлама ривожлантириб, ўқув юртларининг тегишли тармоғини вужудга келтиришни ниҳоясига етказиш зарур.

6. СССР Министрлар Советига КПСС Марказий Комитети Пленумидаги муҳокамани эътиборга олиб, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш юзасидан илгари қабул этилган ҳужжатларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқиш топширилди.

### III.

1. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС XXVII съездининг мамлакатда таълим ва тарбиянинг барча бўғинларини — мактабгача ва мактабдан ташқари муассасаларни, умумий таълим ва ҳунар-техника мактабини, олий ва ўрта махсус ўқув юртларини, кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системасини ўз ичига оладиган узлуксиз таълим системасини вужудга келтириш тўғрисидаги стратегик йўл-йўриғини амалга оширишни амалий вазифа қилиб қўяди. Ўз маълумотини ошириш ҳар бир кишининг ички эҳтиёжи, кундалик иши, совет турмуш тарзининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолиши керак.

Ҳар бир кишига хилма-хил таълим формалари, шу жумладан, экстернат, сиёсий ва иқтисодий ўқув системаси, халқ университетлари, турли курслар, лекторийлар орқали ўз билимини доимо тўлдириш имкониятини бериш муҳимдир. Шу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан, айниқса, телевидение ва китоб нашриётчилигидан активроқ фойдаланиш зарур. Билим олишга, маънавий ўсишга интилиш кенг миқёсда рағбатлантирилиши, жамоатчилик, давлат томонидан эътироф этилиши лозим.

2. Мактаб ишини ташкил этишнинг ленинча принципларини янада тўла-тўкис рўёбга чиқариш, халқ маорифини бошқаришнинг замонавий демократик структурасини вужудга келтириш ўрта ва олий мактабни қайта қуришни жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи шартидир.

Шу мақсадда ўз-ўзини бошқариш негизларини кенг ривожлантириш, ўқув юртларига мустақиллик, бунинг учун зарур бўлган ваколатлар бериш, уларнинг ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг юксак сифати учун бўлган масъулиятини ошириш талаб қилинади. Мактабларда ва ҳунар-техника билим юртларида жамоат органлари бўлган советлар тузиш, уларга педагог ходимлар билан бир қаторда ўқувчиларнинг, меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг, ота-оналарнинг вакилларини кенг миқёсда киритиш мақсадга мувофиқдир. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларини бошқаришда коллегиал, демократик усуллар ривожлантирилсин. Ўқув юртлари ва уларнинг асосий бўлинмалари раҳбарларини сайлаб қўйиш ҳамда уларнинг ҳисоб бериб туришлари изчиллик билан амалга оширилсин.

Район ва шаҳарлардаги халқ депутатлари Советлари ҳузурида давлат-жамоат бошқарув органлари, конференцияларда сайланадиган халқ маорифи кенгашлари тузиш мақсадга мувофиқ деб топилсин. Уларнинг вазифаси таълим ва тарбиянинг илғор тажрибасини қўллаб-қувватлаш ҳамда оммалаштиришдан, педагогика умумий таълимини ривожлантиришдан, ўқув юртларининг моддий таъминотини яхшилаш чораларини кўришдан иборат.

Халқ маорифи барча бўғинларининг ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг бошқарув органларини бирлаштириш учун шарт-шароит яратиш йўлини ўтказиш лозим.

Халқ маорифини қайта қуришни илмий жиҳатдан таъминлашда СССР Педагогика фанлари академиясининг роли ва масъулияти оширилсин, у қайтадан тузилиб, унга идоралараро тус берилсин, олимларнинг куч-ғайратлари шахсни вояга етказиш, узлуксиз таълим, коммунистик тарбиянинг энг муҳим муаммоларини комплекс ишлаб чиқишга қаратилсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми халқ маорифининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни техникавий жиҳатдан реконструкция қилиш соҳасида катта тадбирларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлайди.

Уни ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар кўпайтирилсин, шу тариқа мактабгача тарбия муассасаларига бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилиши таъминлансин; мактабларда асосан бир сменали машғулотларга ўтилсин; педагогика олий ўқув юртларининг, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларининг самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилсин; ҳар бир район ва шаҳарда мактабдан ташқари муассасалар комплекси вужудга келтирилсин; олий, ўрта махсус ва ҳунар мактабининг моддий базаси анча мустаҳкамлансин; муаллимларнинг, студентлар ва ўқувчиларнинг социал-маиший шароитлари яхшилансин, СССР Госплани, СССР министрликлари ва идоралари, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ҳар бир республикада ва регионда шу вазифаларни ҳал этишнинг аниқ муддатларини белгилаб олсинлар.

Ўқув юртларини техникавий жиҳатдан қайта қуроллантиришга оид кенг миқёсли тадбирлар амалга оширилсин. Халқ маорифи системасида ҳам, шунингдек, халқ хўжалиги тармоқларида ҳам таълимнинг дунёдаги даражага мос келадиган замонавий техникавий восита-

(Давоми иккинчи бетда).

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 19 февраль куни бўлиб ўтган мажлисида Марказий Комитет 1988 йил февраль Пленуми қарорларини бажаришни ташкил этишнинг биринчи навбатдаги масалалари кўриб чиқилди. Партия комитетларига, давлат органларига, жамоат ташкилотларига ўрта ва олий мактаб ислоҳотини Пленум йўл-йўриқлари асосида чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилди. М. С. Горбачевнинг Пленумда сўзлаган нутқидаги принципиал қоидаларга асосланиб, КПСС Марказий Комитетининг Секретариатига, жойлардаги партия органларига қайта қуришнинг янги босқичини идеологик жиҳатдан таъминлашни яхшилаш юзасидан амалий ишларни авж олдириш топширилди. Марказий Комитет Пленуми қатнашчилари билдирган танқидий мулоҳазалар ва таклифларни амалга ошириш тартиби белгиланди.

Сиёсий бюро СССР Министрлар Совети тақдим этган «СССРдаги кооперация тўғрисида» СССР Қонун лойиҳасини муҳокама қилди. СССР Конституциясига мувофиқ равишда Қонун лойиҳасида мамлакатимизда социализм қурилишининг ҳозирги босқичига татбиқан Лениннинг кооперация тўғрисидаги ғояларини ривожлантириш асосида кооперативлар фаолиятининг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шартлари белгиланганлиги таъкидланди.

Узоқ вақт давомида кооперациянинг роли ва аҳамияти камситиб келинди. Унинг фаолияти соҳаси торайтирилиб, асосан қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш билан чеклаб қўйилди. Натижада кооператив ҳаракатининг энг кучли жиҳатларига ва айниқса, кооперация ёрдамида товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, одамларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат ва материал ресурсларидан самарали фойдаланиш мумкин бўлган халқ хўжалиги ҳамда социал соҳаларда бу ҳаракатнинг энг кучли томонларига путур етказилди.

Янги Қонун кооперациянинг улкан потенциал имкониятларини рўёбга чиқариши, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришда унинг ролини ошириши хўжалик турмушини демократиялаш жараёнини кучайтириши лозим, янги Қонун аҳолининг кенг табақаларини кооператив ҳаракатига жалб этиш учун шароит яратади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси «СССРдаги кооперация тўғрисида» СССР Қонуни лойиҳасига ижобий муносабат билдириб, уни умумхалқ муҳокамасига қўйишни мақсадга мувофиқ, деб топди.

Кооператив ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг баъзи масалаларига оид таклифлар қўллаб-қувватланди. Аҳолининг товарлар ва хизматга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга қаратилган кооперация ҳаракатини кенгайтиришда, одамларнинг бўш вақтларини тўғри ўтказишларини ташкил этишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ролини ошириш кўзда тутилмоқда.

Сиёсий бюро ҳукумат ишлаб чиққан РСФСР Ноқоратупроқ зонасида автомобиль йўллари қуриш ва уларни реконструкциялаш давлат программасини маъқуллади. 1988—1995 йиллар давомида автоном республикалар пойтахтлари ва область марказларини барча район марказлари билан, район марказларини эса колхозлар ва совхозларнинг марказий қўрғонлари, фермалар ва бошқа агросаноат объектлари билан боғлайдиган асфальт йўллар қуриш кўзда тутилмоқда.

Йўл қурилишининг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш, қурилишнинг ортиб бораётган ҳажмини ресурслар билан таъминлаш, лойиҳалаш сифатини, автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни яхшилаш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш зарур, деб топилди. Йўл қуриш ва уларни реконструкциялашда банд бўлган ходимларнинг меҳнатини ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини қўлланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш белгиланди. Мажлисда давлат программасини амалга ошириш Ноқоратупроқ зонани ўзгартиришда, унинг экономикасини юксалтиришда, аҳоли турмушининг моддий ва маданий даражасини оширишда муҳим сиёсий ҳамда социал аҳамиятга молик эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳиндистон мудофаа министри К. Ч. Пант билан М. С. Горбачев ва Н. И. Рижков учрашувларининг, шунингдек, Д. Т. Язов олиб борган музокараларнинг натижалари кўриб чиқилди ва маъқулланди. Ҳиндистон раҳбарлари билан доимий мулоқотда бўлиш ва бир-бирларига мактуб юбориб туриш Осиёда ва умуман дунёда мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган дўстона Совет — Ҳиндистон ҳамкорлигининг энг муҳим жиҳати бўлиб хизмат қилаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Сиёсий бюро ҳамма соҳаларда — сиёсат, савдо, экономика, фан, техника, мудофаа соҳаларида Ҳиндистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўли ўзгармас эканини тасдиқлади.

Сиёсий бюро Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Хау билан М. С. Горбачев ўртасидаги суҳбатлар ва Э. А. Шеварднадзе олиб борган музокараларнинг якунларини маъқуллади. Совет — Британия мулоқоти (бу мулоқотнинг йўналиши ва даражаси икки мамлакат раҳбарларининг учрашуви чоғида белгиланган эди) тобора жўшқин тус олмоқда. Бу мулоқот фақат икки томонлама муносабатларда эмас, шу билан бирга Европа ва жаҳон сиёсатида ҳам муҳим омил бўлиб қолиши мумкин.

Совет — Британия муносабатларида вужудга келган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, ҳамма соҳалардаги алоқаларнинг таркиб топаётган инфраструктурасини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, ҳамкорликнинг ўзини оқлаган турларини ҳам, шунингдек, узоқ келажакка мўлжалланган янги турларини ҳам ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партия ва давлат қурилишининг бошқа баъзи масалалари юзасидан қарорлар қабул қилинди.

## Газетхон—газета—газетхон

## «ОҚШОМ»НИНГ САЙЁР РЕДАКЦИЯСИ ҲАМЗА РАЙОНИГА БОРАДИ

**«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси раҳбарлари ва журналистлари 24 февраль, чоршанба куни соат 17 дан 19 гача Ҳамза райони меҳнаткашлари билан учрашув ўтказадилар.**

«Оқшом» журналистларининг район меҳнаткашлари ҳузурига коллектив чиқишлари одат тусига кириб қолди. Мана улар тўққизинчи, Ҳамза районига коллектив суратда борадилар. Редакция коллективи навбатма-навбат ҳар бир район меҳнаткашлари вакиллари билан ўзига хос «Думалоқ стол атрофида» суҳбатлар ўтказар экан, бундан кўзланган мақсад катта ва масъулиятлироқ бўлади: «Оқшом»нинг журналистлар коллективини районнинг бугунги ҳаёти, унинг ўз ечимини кутаётган муаммолари ва келгуси истиқболи билан боғлиқ комплекс масалалар қизиқтиради.

Ҳамза районида ўтказиладиган бу учрашув ажойиб бир паллага тўғри келади. У мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш программасини белгилаб берган КПСС XXVII съезди очилган куннинг икки йиллиги арафасида бўлиб ўтади. Бу эса «Оқшом» журналистлари зиммасига районда съезддан буён ўтган давр ичида нималар қилингани, қайси масалаларга жиддий эътибор қаратилгани ва ҳал этилгани, айни пайтда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни атрофлича ёритиш вазифасини юклайди. Шунинг учун ҳам бу галги учрашув янада қизғин ва амалий бўлиши кутилмоқда.

Ҳурматли Ҳамза райони меҳнаткашлари! Шундай қилиб, 24 февраль куни район ижроия комитетида Сизлар билан учрашамиз. Юқорида айтганимиздек, бу учрашувга конкрет таклиф, истак ва мулоҳазалар билан келинг, газетамизнинг Ҳамза районига бағишланадиган сонида булар эътиборга олинади.

Шуни эслатиб ўтмоқчимизки, бу учрашувда район партия, совет ва хўжалик органлари, етакчи корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашадилар.



**24 февраль, чоршанба куни бўладиган учрашувга марҳамат қилинг. У район ижроия комитетининг депутатлар хонасида соат 17 дан 19 гача ўтказилади. 96-44-80 ва 96-44-61 рақамли телефонлар орқали соат 11 дан 16 гача (соат 13 дан 14 гача танаффус) ўз таклиф ва истакларингизни айтишингиз мумкин.**

# Халқ саркардалари

Ўрта Осиё бош темир йўли устахоналарини халқ оддий қилиб «ишчилар қалъаси» деб атарди. Бу жойда рус ишчилари билан бирга Тошкентнинг эски шаҳарида яшовчи камбағаллар ҳам ишлашар эди. Ўзбеклар уларни ҳурматлаб, «мастеровойлар» деб аташган. Чунки устахонада ишловчилар кўп ҳунарни билишган. Қўлларидан келмайдиган ишлари йўқ эди.

Устахонанинг қуюв цехида ишловчи Олим Раҳимов ана шундай мастеровойлардан бўлиб, қандай қилиб ишга киргани ҳақида шундай эслайди:

— Оиламиз камбағал бўлганлиги учун мен бирон ерга ишга киришим зарур эди. Поччам Хайитбой Абдуллаев кўп йиллардан бери Тошкент Бош темир йўл устахонасида, қуюв цехида ишларди. Қайси ишга жойлашиш тўғрисида маслаҳат сўрагани унинг олдига бордим. У менга ўзи билан бирга қуюв цехида ишлашни таклиф этди. Бу фикрга мен дарҳол кўндим. Чунки эски шаҳарда бирор бойнинг эшигида ёлланиб ишлагандан кўра, темир йўл устахонасида ишлашнинг афзаллигини яхши билар эдим. Мени қуюв цехига оддий ишчи сифатида қабул қилишди. Укам Ёдгор ҳам қуюв цехида ишларди. Укам билан мен ҳар куни эрта саҳар туриб, эски шаҳардан устахонага қараб йўл олардик. Завод гудоги чалинмасданоқ устахона дарвозаси олдига келиб турардик.

Қуюв цехида ишловчи ишчилар орасида большевиклар бўлиб, булардан бири бизга большевиклар ишчилар ҳимоячиси эканлигини далиллар асосида тушунтирди. Ана шу ишчининг сўзларидан кейин менда ва бошқа ўзбек ишчиларида большевиклар тўғрисидаги тасаввур янада ойдинлаша борди. Мен чинакам озодликка эришиш учун большевиклар сафида туриб курашиш зарурлигини тушуна бошладим.

Қуюв цехида ишловчи Абдураҳим Толипов билан маслаҳатлашиб, большевиклар партияси сафига киришга қарор қилдик. 1917 йил октябрь ойининг ўрталарида ўз илтимосимизга биноан бизни Бош устахонанинг илғор ишчилари билан бир қаторда большевиклар сафига қабул қилишди. Бизнинг большевиклар сафига кирганлигимиз тўғрисидаги хабар устахонада ишловчи ўзбек ишчилари ўртасида тез тарқалди. Улар биздан большевиклар сафига кирганимизнинг сабабларини қизиқиб сўрай бошладилар. Шу фурсатдан фойдаланиб, уларни большевиклар сафига тортишга ҳаракат қилдик. Туш вақтида ҳамма ўзбек ишчилари биргалашиб чой ичардик. Бу йиғилишдан фойдаланиб, биз уларга шундай дедик:

— Мана биз камбағалмиз, қўлимизда чўкмор билан чарчаганимизга қарамай, тинимсиз ишлаймиз. Бизнинг меҳнатимиз ҳисобига баъзи кишилар бойиди, роҳатда, фароғатда кун ўтказади. Бундай ноҳақ ишларга йўл қўймаслик учун биз ҳаммамиз бирлашишимиз керак.

1917 йил 28 октябрда шу устахонада қуролли қўзғолон бошлаш ҳақида гудок чалинганда Олим Раҳимов, Абдураҳим Толипов, Ёдгор Раҳимов каби ўзбек ишчи-мастеровойлари рус ишчилари қатори қўлларига қурол олишди.

Олим Раҳимов ана шу унутилмас кунни ҳаяжон билан эслайди:

— Асбобсозлик цехида ишловчи ўртоқ Дубровский олдимизга келиб «Ким милтиқ отишни билади?» деб сўради. Абдураҳим Толипов, мен, укам Ёдгор ва бошқа бир неча ўзбек ишчилари милтиқ билан муомала қила билишимизни айтдик. Дубровский бизни милтиқ отишни билмайдиган ишчилардан ажратди, қолган ишчилар баррикада тузиш, устахона деворларидан ўқ отиш учун тешиклар очишга юборилди. Дубровский бизни бир рус ишчисига топширди, у эса устахонада ташкил этилган Ревком олдига келди. Тўпланишиб турган рус ишчилари сафига қўшилдик ва қурол, ўқ-дори олиб келиш учун 1-Сибирь полкига қараб жўнадик. Полк омборига келгач, устахонага кўтара олганимизча милтиқ олиб келдик.

Худди шу вақтда яна бошқа ишчилар Сапёрная кўчасига бориб, у ердан иккита тўпни устахонага келтиришди. Бу ғоят хавфли вазифани бажарган ишчилардан бири М. Ҳусанхўжаев шундай ҳикоя қилади:

— Тўпларни олиб келаётганимизда йўлда икки катта қийинчиликка учрадик. Биринчидан, тўпларни оқ гвардиячилар ишғол қилиб турган территориядан сездирмасдан олиб ўтиш керак эди. Бу хавфни ҳисобга олиб, тўп ғилдиракларини юмшоқ латталар билан маҳкамлаб боғладик ва экинзорлардан, боғлардан шовқин чиқармай судраб олиб ўта бошладик. Шундай темир йўлга яқинлашганимизда ҳар томондан ўқ уза бошладилар. Яхшики, бу вақтда хавфли зонадан ўтиб олган эдик. Темир йўлга етиб келганимизда иккинчи тўсиққа учрадик. Тўпларни вокзалдаги темир йўл излари устидан олиб ўтиш керак эди. Тўплар оғир бўлишига қарамай, уларни қўлда кўтариб ўтдик ва устахона деворидан ошириб ичкарига киритдик. Биринчи отилган снаряд 17-Оренбург казак полки казармаларидан бирининг томига тушди. Ишчилар артиллерияга эга бўлиши мумкинлигини ҳеч хаёлига келтирмаган казаклар эшикларидан, деразаларидан ўзларини ташлаб қоча бошладилар. Қочиб бораётган казакларни ишчилар ва солдатлар пулемётлардан, милтиқлардан ўққа тута бошладилар. Иккинчи снаряд офицерлар клуби томи устига тушди. Офицерлар ҳам уй ичидан чиқиб ҳар томонга қараб қоча бошладилар.

Аммо Коровиченко қўмондон бўлган оқ гвардиячилар кучи ва қуроли кўп бўлгани учун устахона тарафга ҳужумни кучайтирдилар. Казаклар, юнкерлар ва бошқа оқ гвардиячилар тўдалашиб қўзғолон марказига қараб ёпирилиб келиша берди. Отишма тобора кучайиб кетди.

Мирзааҳмад Мирҳодиев Тошкентнинг жанглар қизиган янги шаҳаридан эски шаҳарига эсон-омон қайтиб келганида қуролланган ўзбек йигитлари Низомиддин Хўжаев раҳбарлигидаги «Қорёғди» маҳалласида баррикада қуриб битказишган эди.

— Душман бу ёққа ўтса таъзирини берамиз, — деди Миркомил Миршаропов. Бу ёш ва абжир йигит моҳир чавандоз бўлиб, Низомиддин Хўжаевнинг ёрдамчиси эди.

— Революцион Комитет манави хатни бизларга юборди, — деди Мирзааҳмад Мирҳодиев.

Очил Бобожонов ва Султонхўжа Қосимхўжаев хат билан танишгач, воқеадан огоҳ бўлишди.

— Биз рус ўртоқларга ёрдамга борамиз!

Йигитларнинг бари шу қарорга келишди.

— Ўзбек бой ва савдогарлари душманга ёрдамга ўз ўғиллари ва содиқ кишиларидан 300 кишини юборишди, — деди Низомиддин Хўжаев, — биз эса камбағал косиб, мардикору усталар рус ишчиларига мадад берамиз. Қани, кетдик йигитлар!

Улар баррикада олдида эллик кишини қолдириб, янги шаҳарга — устахона томон кетишди. Мирзааҳмад Мирҳодиев уларга йўлбошловчи бўлиб кетди.

Устахона атрофида қаттиқ жанг кетмоқда эди. Қўзғолончи ишчиларга фронтдан келаётган еттисувлик 600 солдат келиб қўшилгач аҳвол ўзгарди. Энди ишчилар оқларни устахона атрофидан ҳайдаб, шаҳар ичкарисига кириб кела бошлашди. Қўзғолоннинг учинчи куни, яъни 30 октябрда ишчиларга Тошкент эски шаҳаридан келаётган отряд яқинлашди. Қўзғолон штаби бошлиғи В. Ляпин ўша кунни эслаб шундай ҳикоя қилган:

— Шу куни жанг айни қизиганда, энг заиф участкалардан бирида прапоршчиклар мактабининг юнкерлари сафларимизни ёриб ўтишга таҳдид қилаётганда оқ бандитлар лагерида бирдан тўс-тўполон бўлиб қолганлигини, кучлар тезлик билан қайтадан группалаштирилаётганлигини сезиб қолдик. Дастлаб ҳеч нарсани тушуниб бўлмади. Бироз вақт ўтгандан кейин, у ерда найзабозлик бўлаётгандай кўринди. Билсак, ўзбекларнинг қуролланган отряди бўлажак прапоршчикларга орқа томондан ҳужум қилиб, уларнинг сафини жанг билан ёриб ўтишга ва биз билан қўшилишга ҳаракат қилган. Биз ўртоқларимизга ёрдамлашиш учун дарҳол олға ташландик ва бир неча дақиқадан кейин оқларни ҳарбий қалъа ичига ҳайдаб киритиб, эски шаҳар пролетарлари билан қўшилдик. Бу отряд Низомиддин Хўжаев бошчилигида эски шаҳар ҳунармандлари союзининг аъзоларидан тузилган эди.

31 октябрь куни оқларнинг сўнгги таянчи — Тупроққўрғонга ҳужумда рус ишчилари билан ўзбек меҳнаткашлари ҳам қатнашдилар. Уларнинг биргаликдаги ҳужуми ғалаба билан тугади. Коровиченко бошлиқ оқлар таслим бўлди. 1917 йил 1 ноябрда Тошкентда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилди. Худди шу кунлари ўзбеклардан қизил гвардия тузилган эди. Бу гвардия биринчи ўзбек инқилобчилари Мирзааҳмад Мирҳодиев, Низомиддин Хўжаев, Очил Бобожонов, Султонхўжа Қосимхўжаев, Олим ва Ёдгор Раҳимов, Миркомил Миршаропов номлари билан боғлиқдир.

Қизил гвардия инқилоб фарзанди эди. Ҳа, Қизил Армиянинг таркибий отряди — Туркистон Республикаси Қизил Армияси Тошкентдаги Октябрь қуролли қўзғолонида шаклланган Қизил гвардия заминида вужудга келди. Туркистон Советларининг IV ўлка съезди 1918 йил 26 январда социалистик армия ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, республика Халқ Комиссарлари Совети бу ишга 1 миллион сўм маблағ ажратди. Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Совети қошида 1918 йил 15 февралда Қизил Армия штаби тузилди. 2 март куни эса Тошкентда Қизил Армиянинг биринчи отряди ташкил топиб, тез орада 1-ўзбек ва 1-Тошкент миллий батальонлари тузилди.

Доҳиймиз В. И. Ленин имзоси билан РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг ҳарбий округлар, жумладан Туркистон ҳарбий округини таъсис этиш ҳақида 1918 йил 4 майда қилган декретидан сўнг Туркистон Қизил Армияси сони 20 минг кишидан ортди. Бу армия ички ва ташқи душманга қарши жангларда чиниқди, сон ва сифат жиҳатдан ўсди. Ўша вақтда Ўзбекистон таркибида бўлган Туркистон ўлкасидаги фронтда жанг қилган қўшинларга М. Фрунзе, П. Кобозев, В. Куйбишев, Э. Кужело, Г. Зиновьев каби саркардалар бош бўлишди. Гражданлар уруши ва чет эл интервенцияси йилларида Закаспий, Ашхобод, Оқтепа фронтлари ҳалқасида қолиб, марказий Россиядан ажратилган Совет Туркистонидаги кескин курашларда маҳаллий ўзбек халқидан ажойиб саркардалар етишиб чиқди. Оташин инқилобчи Низомиддин Хўжаев ва унинг сафдоши Миркомил Миршаропов ана шундай саркардалардан эди. 1918 йилдан большевиклар партияси аъзоси Миркомил эски шаҳарда тузилган отлиқ аскарлар дружинаси командири сифатида танилди. 1920 йилда машҳур саркарда, доҳий В. И. Ленин сафдоши Михаил Фрунзе топшириғи билан Миркомил Миршаропов эскадрон командири сифатида Хоразмдаги босмачиларга қарши курашга юборилди. Қорақум саҳросидаги шиддатли жангларда у Жунайдхоннинг қонхўр босмачиларини ер тишлатди. Саркардалик маҳорати учун Миркомил Миршаропов Қизил Юлдуз ордени ва Хоразм Халқ Совет Республикаси ордени билан тақдирланди. Уни Москвага ҳарбий академияга ўқишга юборишди. Фрунзе номли ҳарбий академияни яхши баҳолар билан битирган Миршаропов полкка, кейин эса ўзбек отлиқлар дивизиясига қўмондон бўлди. Бу дивизияда кейинчалик шуҳрат қозонган Собир Раҳимов хизмат қилган.

Миркомил Миршаропов биринчи ўзбек генерали ҳисобланади. Ўша вақтда генерал унвони Қизил Армияда йўқ бўлиб, дивизия қўмондони деб аталган. Яна бир ўзбек генерали — бухоролик қизил гвардиячилар сардори Файзулла Хўжаевдир. Шарқий Бухородаги босмачиларга қарши курашда маҳоратини кўрсатган Файзулла Хўжаев III ранг армия қўмондони, яъни ҳозирги ҳарбий унвони генерал-полковникка тенг саркарда эди. У 1925 йилда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи раиси қилиб сайланган ва СССР Ҳарбий революцион кенгашининг аъзоси бўлган.

Самарқандлик қизил гвардия жангчиси Дўстмуҳаммад Устабоев ҳам дивизия командири унвонига эришган, оташқалб инқилобчилардан эди. У Туркистон фавқулодда комиссияси раиси, Юстиция Халқ комиссари лавозимларида ишлаган.

**Ҳамдам СОДИҚОВ,**
**тарих фанлари кандидати.**

# Армиямиз кўмакчилари



**СССР Мудофаа министрлигининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ҳарбий нашриёти 1919 йилнинг октябрида, гражданлар уруши айни қизиган бир пайтда ташкил этилган эди. Ўша пайтда «Окопларга китоблар беринг! Қизил Армияга адабиётлар беринг!» — деган шиорлар янграрди. Ўшанда қисқа вақт — бир йилдан зиёдроқ вақт ичида оддий аскарлар учун 29,5 миллион нусхада оммавий нашрлар чоп этилган эди.**

**Улуғ Ватан уруши даврида 22 мингдан зиёд номдаги китоблар, брошюралар, варақалар Ғалаба иши учун хизмат қилди.**

**Ҳозир Ҳарбий нашриёт СССР Қуролли Кучлари хизматчиларини, ёшларни, кенг ўқувчилар доирасини зарур адабиётлар билан таъминламоқда. Мардлик ва ватанпарварлик, Совет Қуролли Кучларининг шонли жанговар йўли ҳақидаги китоблар шулар жумласидандир. Адабиётлар мавзуи тобора кенгайиб бораяпти.**

**СУРАТДА: Ҳарбий нашриёт бош редактори генерал-майор В. В. Кожарский (чапда) ҳузуридаги летучкада «Ўтмишнинг қаҳрамонона саҳифалари» туркумидаги плакатларни чиқариш муҳокама қилиняпти.**

**Пастдаги суратда: нашриёт туҳфалари.**

Р. Денисов фотоси.
ТАСС фотохроникаси.



# Ҳамон сафда

**Коля аслида Шимолий Қозоғистонда туғилган бўлса ҳам, Тошкентда ўсиб-улғайган. Тенгқурлари орасида уддабуронлиги, меҳридарёлиги билан ажралиб турадиган бу ўспирин бошига турмуш ташвишлари эрта тушди. Оилага ёрдам бериш ниятида у ишга кирди. Эндигина касб ўрганиб, ҳаёт қийинчиликларини мардона енгаётган ҳам эдики, уруш бошланиб қолди. Биринчилар қатори ўн саккиз ёшда у Ватан ҳимоясига отланди.**

**Коляни ҳарбий комиссариатдагилар алоқачилар тайёрлаш курсига ўқишга юборишди. Чунки ўша пайтда алоқачи-жангчилар жуда зарур эди. Николай Антонов бу курсни муваффақиятли тугатиб фронтга йўл олди.**

**1941 йилнинг кузи. Душман мамлакатимиз ичкарисига тобора суқулиб кириш мақсадида Кавказга ҳам катта куч билан ҳужум бошлади.**

**Оддий аскар Николай Антонов хизмат қилган қисм белгиланган нуқтага десант билан туширилди. Душман кўп жиҳатдан бир неча баравар устун бўлса-да, совет жангчилари бир қадам ҳам чекинмадилар. Алоқачи Н. Антонов эса мана шу аёвсиз олишувларда жароҳатланди. Уни даволаш учун госпиталга юборишди.**

**Николай соғайиб чиққач, хизматни 362-артиллерия полкида давом эттирди. Уруш охирлаб борарди. Совет қўшинлари Эльба соҳилини душмандан халос этдилар. Эндиги вазифа дарёнинг нариги соҳилини ишғол қилишдан иборат. Бунга Николай хизмат қилган полк ҳам жиддий тайёргарлик кўра бошлади. Шундай кунлардан бирида полк командири бир неча жангчини ўз ҳузурига чақирди.**

**— Сизларга муҳим топшириқ бор, ўртоқ алоқачилар, — деди командир йигитлар саф тортгач, — Дарёдан тунда сузиб ўтиб, алоқани таъминлайсизлар. Уни ўз вақтида тиклаш қанчалик муҳимлигини ҳаммангиз яхши биласиз. Биз радистлар берган маълумотларга қараб фашистларни тўпга тутамиз. Сизларга рухсат, кечгача дам олинглар. Кечқурун йўлга чиқиш олдидан яна учрашамиз.**

**Тун. У ер, бу ерда ҳар замонда ёритувчи ракета пайдо бўлиб қолади. Онда-сонда ўқ овози эшитилади. Алоқа симлари ва узатгичлар ортилган қайиқ сувда оҳиста сузиб кетди.**

**Қайиқ эндигина соҳилга яқинлашган ҳам эдики атроф ёришиб кетди. Йигитлар зудлик билан қайиқдаги юкларни олиб ерга отилишди. Душман сезиб қолганди. Отишма бошланди. Жангчилар ўқ ёмғири остида алоқани тиклашди ва душманнинг ўт очиш нуқталарини аниқлашга муваффақ бўлдилар.**

**Тонгга яқин совет тўпчилари гитлерчилар эгаллаб турган позицияни остин-устун қилиб ташлашди. Бу операцияда жасорат кўрсатган бир группа аскарлар, шу жумладан оддий солдат Николай Антонов ҳам «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди.**

**Уруш тугагач, Николай Сергеевич яна икки йил армияда хизмат қилди. Сўнг Тошкентга қайтди. Фаолиятини меҳнат фронтида давом эттирди. Уйланди. Икки фарзандни вояга етказиб, уйли-жойли қилди. У олтмиш беш ёшга қадам қўйган бўлса-да, ҳамон сафда. Ўттиз тўрт йилдирки, «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида йиғувчи-дурадгор бўлиб, ҳалол меҳнат қилиб келяпти.**

**Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.**

## Маданият янгиликлари

# Ўзбек жангчиси ҳақидаги китоблар

Ленинградлик шоир Борис Георгиевский «Уруш йиллари қўшиқлари» деб аталган ўз китобининг совға нусхасига «Полкдошим, қўшиқларим қаҳрамони, азиз Қобилжон Зокировга» деган сатрларни ёзган. Муаллиф ўз тўпламини фронтдош дўсти, Тошкент область Ўзгариш қишлоқ советининг депутати Қ. Ғ. Зокировга ҳадя этди.

Бу ўзбекистонлик собиқ мерган, асар қаҳрамонига ҳадя этилган учинчи китобдир. Ёзувчи Адҳам Раҳматнинг «Улар Ленинградни мудофаа қилдилар» деган очерклар китоби ва Владимир Дементьевнинг «Солдат қўшиқлари ва тақдири» деган тўплами ҳам 117 гитлерчини ер тишлатган ана шу жасур солдат ҳақида ҳикоя қилади.

Қобилжон Зокиров урушнинг дастлабки кунларидаёқ Борис Георгиевский билан танишган эди. Уларнинг ҳар иккови ҳам ўшанда Ленинградни биргаликда мудофаа қилишларини, «Ҳаёт йўлидан» юкларни олиб ўтиб, қамални ёриб чиқишларини, сўнгра эса Берлин остонасида душманни тор-мор қилишларини билмас эдилар.

Ленинградлик Борис Георгиевскийнинг қўшиқлари айнан шу воқеалар ҳамда ўзбек йигити билан фронтдаги дўстлиги ҳақида куйлайди. Бу қўшиқларни Совет Қуролли Кучларининг 70 йиллигига бағишланган кечада Тошкент областидаги Куйбишев номли колхознинг ҳаваскорлик ансамбли ижро этди. Уруш ветерани ҳозир ана шу колхозда истиқомат қилади.

# Дўстлик эстафетаси

Тошкент Давлат маданият институтида таҳсил кўраётган афғон студентларининг республика ёш артистлари билан учрашуви интернационал дўстлик байрамига айланиб кетди. Бу учрашув Ўзбекистон Театр арбоблари союзида ўтказилди.

Биз дўст мамлакат йигит ва қизлари ижодий зиёлиларимиз билан иложи борича кўпроқ учрашиб туришларига, республика маданий турмушида актив қатнашишларига интилмоқдамиз, — дейди ижодий союз правлениесининг раиси, СССР халқ артисти Бернора Қориева. — Бундай мулоқотнинг ажойиб намуналари бор. «Ёш гвардия» театри афғон студентларига ўқув спектакллари қўйишда кўмаклашади. Консерваторияда мусиқий истеъдодли афғонлар учун «Якшанба кун мактаби» ташкил этилган. Уларни ўзбекистонлик тенгдошлари — музика мактабининг бўлажак педагоглари халқ чолғу асбобларини чалишга ўргатадилар. Қобулда қўғирчоқ театрнинг ижодий группаси меҳмон бўлди. Ўзбекистон намояндалари у ерда ёшлар қўғирчоқ театрини ташкил этдилар, декорациялар, қўғирчоқлар, костюмлар тайёрлашга ёрдамлашдилар. Афғон маданияти арбоблари билан дўстлик алоқалари доимо мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверишига ишончимиз комил.

(ЎзТАГ).

## Дунё харитаси олдида

# «Тоғдан гўзали — тоғ...»

Мен бу гапни биринчи марта эшитганимда жуда ҳам завқланганман, чунки бу иборанинг нақадар тўғри эканини чуқур ҳис этаман. Бунинг сабаби шундаки, менинг болалигим Чотқол тоғларининг этакларида ўтган. Балки бу ибора менинг ҳаёт йўлимни белгилаган бўлиши ҳам мумкин. Тақдир тақозосини қарангки, улғайиб-ўсганимда тоғ инженер-геологи деган касб эгаси бўлдим. Шу касб туфайли ҳаётимнинг ярмидан кўпини тоғ кезиб ўтказяпман.

Тоғдаги ҳар бир тошнинг ўзига хос таърифи ва тарихи бўлади. Уларнинг айримлари даҳшат билан ер бағрини ёриб отилиб чиққан оташ магмаларнинг қотиши натижасида ҳосил бўлса, бошқалари эса худди ана шу салобатли тоғларнинг ўрнида қачонлардир мавжуд бўлган, улкан денгизларнинг тубида йиғилган балчиқлардан ҳосил бўлган оҳактош, гилтош ва қумтошлардир.

Тоғ тошларида хислат кўп, уларнинг ҳар бирида она еримизнинг тарихи битилган. Уларни болға билан чақиб қарасангиз, турли-туман ажойиботларни кўришингиз мумкин. Жумладан, тош қатламларининг ичида ўша даврдаги денгизларда яшаган умуртқасиз ҳайвонларнинг чиғаноқлари, сув ҳавзалари яқинида ўсган ўсимликларнинг япроқлари яққол кўзга ташланади. Ҳатто, ўша узоқ ўтмишда денгиз яқинларида, умуман экзотик ўрмонларнинг ичида ҳаёт кечирган баҳайбат динозаврларнинг оёқ излари ҳам оҳактош қатламларининг юзасида сақланиб қолган.

Бу қолдиқлар ер юзасида бўлиб ўтган шароитлардан хабар берадиган далиллардир. Уларни палеонтолог олимлар излаб топиб, атрофлича тадқиқ этадилар, олинган натижалар асосида миллионлаб йиллар давомида заминимизда юз берган ҳодисалар ҳақида ва ерда ҳаёт қандай тараққий этгани ҳақида хулосалар чиқарадилар.

Халқимизда: «Тоққа чиқмасанг — дўлона қайда», — деган нақл бор. Тоғда фақат дўлона эмас, балки бошқа сирлар ҳам кўп. Агар Чотқол, Ҳисор тоғларининг баланд чўққиларига яқинроқ бориб кузатилса, жуда ҳам антиқа ажойиботларни кўриш мумкин. Масалан, бу тоғларда ернинг чуқур қаърида яшириниб ётган қатламлар ер қобиғининг кўтарилиши натижасида ер юзасига чиқиб, очилиб қолган. Шундай ҳодисаларни кўриш мумкинки, қатламлар турли шаклларда бурмаланиб ётибди. Улар бамисоли ғижим рўмолни эслатади. Хўш, уларнинг бундай ғижимланишига қандай кучлар сабаб бўлган?

Ернинг бағрида узлуксиз ҳаракат давом этиб турадики, уларнинг баъзиларини киши ўз кўзи билан кузатса, аксариятини инсоният ўз ҳаёти давомида ҳам кўролмайди, сезолмайди ҳам. Биринчи гуруҳ ҳодисаларга Ер бағрини ёриб вулқон отилиб чиқиши, бизга маълум бўлган даҳшатли зилзила ҳодисалари ва бошқалар киради. Иккинчи гуруҳ ҳодисаларини кузатиш учун инсон минг йиллаб ҳаёт кечириши лозим. Буларнинг энг асосийси, бу бурмаланиш, яъни эгилма-букилма ҳаракатдир. Бундай ҳаракат натижасида ер қобиғининг бир жойи пасайса, иккинчи жойи эса кўтарилиб туради. Кўтарилган жойдан денгиз кетиб, у ерда қуруқлик ва тоғ ҳосил бўлади. Фараз қилайлик, ернинг бирор нуқтаси йилига бир миллиметр тезлик билан кўтарилса, бир миллион йилда шу нуқтада 10 минг метр баландликдаги тоғ ҳосил бўлади.

Ер қиёфасининг ўзгариб туришига фақат ернинг қаъридаги ҳаракатларгина эмас, балки унинг юзасидаги ҳаракатлар ҳам сабаб бўлади. Чунончи, атмосферанинг таъсири натижасида тоғ жинслари нурайди ва парчаланади. Майдаланган жинслар шағал, қум ва лой тариқасида ернинг паст жойларига элтиб ётқизилади. Бу ишлар асосан сув ва шамол ёрдамида бажарилади. Биз кўриб турган улкан тоғлар, улар оралиғидаги гўзал водийлар ер қаъридаги ва унинг юзасидаги ана шу ҳаракатлар туфайли юзага келган.

Умуман, она-Еримизнинг тарихи жуда ҳам катта ва ажойиб. Уни сермазмун китоб билан таққосласак, ер қобиғининг қатламлари бу «китоб»нинг варақлари дейиш мумкин. Унинг саҳифалари эса турли безаклар билан жиҳозланган. Ушбу «китоб»ни ўқиганимиз сари қизиқ-қизиқ ҳодисаларга дуч келаверамиз, унинг охирига етиш учун минглаб рисолалар ёзилса ҳам камлик қилади.

**Кенжа АЛИМОВ,**
**геология-минералогия фанлари кандидати.**



**Ёш авлод касб-ҳунар эгаллаши учун билим юртларида ҳамма шароитлар яратиб қўйилибди. Тошкент трактор заводи қошидаги 36-ҳунар-техника билим юртида кўплаб ёшлар ҳунар ўрганишмоқда.**

**СУРАТДА: билим юртининг 1-курс ўқувчилари электргаз пайвандчилиги бўйича амалий машғулот ўтказишаяпти.**

А. Чаплигина фотоси.

# НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

**22—28 ФЕВРАЛЬ**

## ● МАРОҚЛИ КОНЦЕРТЛАР

**Муҳиддин Қориёқубов номидаги ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмасининг ижодий коллективи Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг 70 йиллигига бағишлаб жойларда бир қатор мароқли концертлар ўтказишни режалаштирган.**

**Бирлашманинг санъат усталари Тошкентдаги картон фабрикаси коллективи ҳузурида маданий хизмат кўрсатишади. Бу ердаги учрашув 23 февраль соат 17 га белгиланган.**

**Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ўқитувчилари ва студентлари ҳам бирлашма санъаткорларини кутиб олишади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шариф Султонов ва истеъдодли хонанда Бахтиёр Тўлаганов иштирокида ўзбек санъаткорлари 24 февраль куни соат 17 да бу олий ўқув юртида концерт беришади.**

**Шу кунларда москвалик санъаткор, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Юрий Николаевский Тошкентда меҳмон бўлиб турибди. Таниқли санъаткор «Баҳор» концерт залида Ўзбекистон давлат симфоник оркестри ҳамроҳлигида концерт беришга ҳозирлик кўрмоқда. Бу тадбирда Успенский номидаги республика махсус музика мактаб-интернатининг ўқувчиси Барно Ҳақназарова ҳам қатнашади. Жаҳон композиторларининг асарларини ижро этишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган коллектив республика давлат симфоник оркестри чолғучилари жўр бўладилар.**

**Бу концерт 26 февраль куни соат 19 дан 30 минут ўтганда бошланади.**

## ● МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯЛАР

**Муқимий номидаги республика музикали театри коллективи Чиноз районидаги пахта тозалаш заводи меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишга ҳозирлик кўрмоқда. У ерда театр репертуаридаги «Олифта», «Тошболта ошиқ», «Ёшликда берган кўнгил» спектаклларидан парчалар намойиш этилади. Театр артистлари ва завод ишчиларининг учрашуви 23 февраль куни бўлади.**

**Шунингдек, шу театр коллективи аъзолари «Ўзбекбирлашув»нинг Калинин районида жойлашган санаторийси дам олувчилари ҳузурида ҳам меҳмон бўлишади.**

## БОЛАЛАР ИСТЕЪДОДИ

**Максим Горький номидаги марказий болалар маданият ва истироҳат боғи коллективи юбилейга атаб муносиб маданий тадбир ҳозирлади. Боғдаги кўргазмалар залида болалар техника ижоди кўргазмаси тантанали очилади. Унга шаҳримиздаги пионер ва ўқувчилар саройларининг турли тўгаракларида ишланган техника намуналари ва расмлар намойиш этилади.**

**Бу кўргазма 23 февраль куни соат 12 да очилади.**

## ● «ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА

**Ўзбекистон телевидениеси Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг 70 йиллиги муносабати билан «Зангори экран»да бир қатор фильмлар ва кўрсатувларни томошабинлар диққатига ҳавола қилади.**

**Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбекистонлик жангчилар ва саркардаларнинг жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи «Генерал Раҳимов» фильми кўплаб томошабинларга манзур бўлган. Бу фильмда бош ролни ижро этган СССР халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов ана шу картина намойиш қилиниши олдидан ундаги генерал образини қандай яратганлиги ҳақида ўзининг таассуротлари билан ўртоқлашади.**

**«Генерал Раҳимов» фильми бугун, 22 февраль куни соат 22 дан 5 минут ўтганда биринчи программа орқали намойиш этилади.**

**Бундан ташқари 23 февраль куни соат 18 дан 15 минут ўтганда «Туғилган кунинг билан қадрдоним Армиям!» байрам программаси томошабинлар диққатига ҳавола қилинади.**

**Маълумки, Ўзбекистон телевидениесининг ана шу номли кўрсатуви телетомошабинларнинг мактублари, ариза ва шикоятлари таҳлилига бағишланган. Унда танқидий материалларга муносабат, томошабинларнинг таклиф ва мулоҳазаларига кенг ўрин бериб борилмоқда.**

**Маҳаллий ташкилотларда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига етарли эътибор берилмаётганлиги, хатлар кўп жойларда тўғри ҳал этилмаётганлиги ҳақида маълумотлар олинмоқда.**

**Бундай иллатларнинг асосий сабаби нимада!**

**27 февраль куни соат 19 дан 45 минут ўтганда биринчи программа орқали намойиш этиладиган ана шу кўрсатувда меҳнаткашларнинг шикоятлари билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида фикр юритилади.**

